Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари
Жалақудуқ туман Кенгашининг
ҚАРОРИ

" 28 " декабрь 2020 йил *№ 69 20-6- сонли*

Жалақудуқ туманининг 2021 йилги махаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сонли Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини махаллий бюджетларни боскарипда, хусусан махаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари такеимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2021 йил учун туман махаллий бюджетини қабул килиш бўйича Халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Жалақудуқ тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) махаллий бюджети даромадлари 41 млрд. 47 млн. 720 минг.сўм, харажатлари 134 млрд. 381 млн. 347 минг.сўм миқдорида прогноз килинганлиги, туман махаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 93,3 млрд.сўм миқдорида тасдикланганлиги маълумот учун қабул килинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) солиқларнинг қуйидаги турлари туман бюджетига тўлиқ хажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

курилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

б) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

Шу билан бирга, вилоятнинг вилоят бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 100 фоиз миқдордаги ўтказилишни маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси борасида туман маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молияллаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбик этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6099-сонли Фармони ижроси борасида вилоятнинг шахарлар ва туманлар "Жисмоний тарбия ва спорт" бўлимларига юридик макам берилсин хамда бўлимларининг саклаб туриш билан боғлик харажатлар туман махаллий бюджетларидан молиялаштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КК-161-IV-сонли карорига асосан туман халк депутатлари Кенгаши котибияти ташкил этилсин хамда уларни саклаш харажатлари белгиланган тартибда тегишли туман махаллий бюджетидан молиялаштирилсин.

4. 2021 йил учун туман махаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофик маълумот учун кабул килинсин.

5. Жалакудук тумани харажатларининг 2021 йил учун асосий кўрсаткичлари соҳалар кесимидаги чекланган миқдорлари 2-иловага мувофик тасдиклансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофик тасдиклансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича туман махаллий бюджети билан махаллий бюджетининг таксимотини ўрнатилган тартибда туман газначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қонуннинг 12-моддаси тўртинчи қисмида халк депутатлари туман Кенгашига берилган ваколатга кўра, махаллий хокимликни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш оркали махаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш максадида:

айланмадан олинадиган солик ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўликлигича туман махаллий бюджетига ўтказилаётганлиги;

мобил алока хизматлари ва алкоголь махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиги бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль холатига кўра туман ахолиси сонининг вилоят ахолиси сонидаги улушига мувофик туман махаллий бюджетига ўтказилаётганлиги;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги вилоят бюджети хамда туман махаллий бюджети ўртасида 75/25 нисбатда таксимланиши маълумот учун кабул килинсин.

7.Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан катъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

8.2021 йил учун туман хокимлиги захира жамғармаси хажми 1 млрд. 985 млн. 888 минг.сўм миқдорида белгилансин.

Туман хокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек,

ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги бюджети қўшимча манбасининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

10. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

11.Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

12.Жалақудуқ туман маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар туман ҳокимлигининг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

13.Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

14. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шаҳар ва туманларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари ҳамда йиғилиш баённлари билан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

15. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига маълумот киритсин.

16. Туман хокимлиги қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширин ва талбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман хокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ҳ.Латипов**

Жалақудуқ
2020 йил

қарорига

Жалақудуқ туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилги даромад кўрсаткичлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

		43 842 000
		10 960 500
		2 680 000
1	Ягона солиқ тўлови	4 294 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 290 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	4 328 000
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 689 000
		18 000
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	3 386 000
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ажратма меёри	2 803 000
	Аҳоли сони (минг киши)	*186*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	9 905 310
16.	Мобил алокага акциз солиги	5 348 910
	Маълумот учун: 2020 йил	

Жалақудуқ туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилги асосий харажат

МАЪЛУМОТ

	Кўрсаткичлар	Жалақудуқ тумани
	шу жумладан:	
1.1	**Маориф**	21 757 237
		0 88
		11 875 697
1.2		
1.3		52 457 680
		4 158 387
		1 451 533
1.4		
1		34 898 381
2.1		
2.1		
2.2		566 490
2.2		
2.3		
	Шундан: - Қайнарсой ва Дўрмон каскадлари "Сувокава" и/ч бошкармалари	5 710 250
	- Қайнарсой ва Дўрмон каскадлари "Иссиқлик манбаи" и/ч бошкармалари	
2.4	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	
2.4	Кўп каватли уйларни лифт билан жиҳозлаш	
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	
2.6	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	
2.7	Хўжайли ва Чалиш сув йўли техник участкаси	
2.8	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	
2.9	Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари	
2.10	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 497 071
2.11	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	
2.12	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошкармалари	
2.13	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика	
	қоракулчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	
2.15	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	
2.16	Ветеринария қўмитаси	908 056
4.1		
4.2		5 163 879
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	
7.2		
3	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари	
7.4	Узбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт	
7.5	Чет эл кредитларини қоплаш	